



АНДИЖОНДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ: ИННОВАЦИОН ЕЧИМ, СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.



Мамлакатимиз етакчисининг Андижон вилоятига ташрифи тигиз иш режими асосида сермахсул ва самарадор бўлди. Айни жиҳат халқимиз қувончига қувонч қўшди. Бу хусусида кейинроқ тўхталамиз...

Андижон мамлакатимизнинг кунчиқар ҳудуди. Қуёшни биринчи бўлиб қарши оладиган андижонликнинг чеҳраси ҳам, қалби ҳам доим ёруғ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаб берган кенг қўламли ислохотлар сабаб вилоят аҳлининг йўли ҳам равшан бўлиб, орзулари амалга ошмоқда. Кейинги йилларда вилоятда тадбиркорлик жадал ривожланди. Бу ўринда “ривожланди” деган сўзнинг ўзи камлик қилади. Зеро, барча соҳага илм, инновацион ёндашув кириб келди. Айни жиҳат вилоят салоҳиятидан самарали фойдаланиб, янги Ўзбекистондаги янгиланишлар шиддатига мос тарзда олға интилиш имконини бермоқда. Шу ўринда ҳудуднинг географик жойлашуви ҳақида яна бир муҳим фактни эсга олиш зарур. Яъни Андижон ҳудуд жиҳатдан кичик ва аҳолиси энг зич жойлашган вилоят ҳисобланади. Бу ҳам вилоят аҳли учун кўпроқ изланиш, ўз устида ишлаш талабини қўяди. Мамлакат етакчисининг узоқни кўлаган сиёсати сабаб ҳудудий жиҳатдан бир оз мураккаб бўлган замин мислсиз натижаларга эришмоқда.

Маълумки, катта маблаг айланмаси бор жойга меҳмонлар ҳам кўп келади. Негаки бундай заминда халқро ҳамкорлик мустаҳкамланган бўлиб, тадбиркорлик кенг қулоч очади. Сайёҳлик қўлами ошади. Шу маънода, Андижон халқро аэропорти замонавий қиёфа касб этиши муҳим вазифа ҳисобланади. У шунчаки меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш манзили эмас, балки катта иқтисодий лойиҳаларга жадаллик бахш этадиган стратегик объект.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини Андижон халқро аэропортининг қурилаётган терминали билан танишишдан бошлади.

Кейинги йилларда водий вилоятларининг логистик имконияти анча кенгайди. Қуни кеча Тошкентдан Андижонга тезорар поезд қатнови ҳам йўлга қўйилди. Аэропорт замонавий қиёфага келтирилгач, вилоятга бошқа ҳудудлар, хорижий давлатлардан келадиганлар учун янада қулай муҳит яратилади. Бунинг учун биринчи босқичда аэропорт инфратузилмаси тубдан янгиланди. Учиш-қўниш йўлаги 3,3 километргача узайтирилди. Бу катта ҳажмдаги ҳаво кемаларининг ҳам бемаъл ол учиб-қўнишига имкон яратади. Бўлгуси қамров ҳисобга олиниб, 10 та ҳаво кемасига мўлжалланган тўхташ жойлари ва йўлақлари қурилди. Муҳими ушбу ишларда юқори даражадаги сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Учиш-қўниш йўлагига ётқизилган цемент-бетон қопламаси 50 йилгача хизмат қилади. Аэропортда юқори аниқликда ишлайдиган замонавий ёритиш-сигнал тизими ўрнатилди. Германия технологияси асосида ишлайдиган тизим сабаб кўриш масофаси 300 метргача қисқарганда ҳам самолётлар кўна олади. Умуман олганда, мазкур ишлар сабаб Андижон халқро аэропорти катта ҳаво кемаларини ҳам чекловларсиз қабул қила оладиган бўлди.

Ҳозир реконструкция ишларининг иккинчи босқичи доирасида икки қаватли замонавий терминал биноси қуриляпти. Ушбу терминал ишга тушгач, аэропортининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш салмоғи беш баробарга ошади.

Давлатимиз раҳбарига аэропорти ривожлантириш концепцияси тақдимот қилинди. Президентимиз замонавий терминал биносини белгиланган муддатда ва сифатли куриб битказиш бўйича масъуллаарга топшириқлар берди. Мазкур ишлар андижонликлар ва вилоят меҳмонлари учун транспорт қулайлигини ошириши таъкидланди. Аэропорт атрофида замонавий сервис объектларини ривожлантириш ва хизматлар сифатини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Юқорида таъкидланганидек, Андижон вилоятида барча соҳага илмий ёндашиб, замонавий технологияларни жорий этишга жиддий эътибор берилмоқда. Буни ташрифнинг кейинги манзили бўлган “Есо Cotton” корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мазкур корхона фаолияти билан танишди. Ҳозир ушбу корхонада маҳаллий хомашёдан тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Экологик тоза, халқро стандартларга мос бўлган ушбу маҳсулотлар нафақат юртимиз балки, хорижда ҳам ўз харидорларига эга.

Президентимиз жорий йил 29 июнь куни “Пахта-тўқимачилик соҳасида молиявий барқарорликни ошириш ҳамда толани чуқур қайта ишлашни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Мазкур лойиҳа ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилди. Натижада 1 мингта доимий иш ўрни яратилди. Шунингдек, корхонада дуал таълим тизими ҳам йўлга қўйилган. Ёшлар назарий билимларини ишлаб чиқариш амалиёти билан уйғун ҳолда ўзлаштирмоқда.

Ана шу ўзлаштириш, иш ўрганиш жараёнида даромад топиш имконига ҳам эга бўлади. Бундай жиҳатлар албатта, жамиятда эртанги кунга бўлган ишончини оширади. Қолаверса, ёшлар бандлиги таъминланиб, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топилади. Халқимиз кўксини гурурга тўлдирлади.

Корхонага кириб келишингиз ҳамон ўша сурурни ҳис этасиз. Замонавий русумдаги автоматлаштирилган конвейер ускуналарини кўриб кўз қувнайди. Ишлаб чиқариш жараёни рақамли бошқарув тизими орқали назорат қилиниши маҳсулотнинг барқарор сифатини ва адолатли ёндашуви таъминлайди.

Яна бир янгилик, корхонада сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган тикув

дастгоҳлари ўрнатилган. Ақлли тизим мато турига қараб тикув жараёнини реал вақт режимида автоматик созлайди. Чокларни юқори аниқликда ҳамда нуқсонсиз тикади. Синов тариқасида ишлаётган гуманоид роботлар эса соҳадаги истиқболли лойиҳалардан дарак беради. Ишлаб чиқариш жараёни илмий инновация асосида ташкил этилган корхонанинг сифатли маҳсулотлари Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Руминия ва Молдова бозорларига етказиб бериляпти. Шунингдек, Туркия, Вьетнам, Хитой ва Ҳиндистоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан рақобатлаша оладиган мазкур брендинг харидорлари кўпайиб бормоқда. Гап илмий ёндашув ҳақида кетганида экологик талабларга ҳам самарадор ечим топилишини таъкидлаш зарур. Жумладан, ишлаб чиқаришдан чиққан чиқиндилар қайта ишланади. Шу тариқа, уларнинг атроф-муҳитга зарари камаяди.

Яна бир муҳим жиҳат. Жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сифати каби муҳим аҳамиятга эга. Корхона йилига 30 турдаги 9,4 миллион донна трикотаж маҳсулотини ишлаб чиқариш қувватига эга. Йиллик экспорт салоҳияти эса 10,5 миллион долларни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари корхона ишчилари билан самимий мулоқот қилди. Шу ернинг ўзига вилоятда ёшлар билан ишлаш, уларни касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва режалар тўғрисида ахборот берилди.

Андижонликлар ҳар тонг қуёшни қарши олар экан, ундан бир чимдим нуруни қалбига жойлайди. Сўнг уни юртимизнинг бошқа ҳудудлари сари кузатиб қўяди. Айни жиҳат сабаб қуёшли вақт бошқа вилоятларга кўра камроқ. Одил табиат бунинг ўрнини қоплаш учун ҳудудга тоғларни, улар бағридан жилга

бўлиб келадиган катта сойларни тақдим этган. Айни жиҳат вилоятнинг ўзига хос драйвер қисми десак муболага бўлмайди.

Президентимиз ташрифининг навбатдаги манзилида Андижон туманида кичик гидроэлектр станциялари учун зарур ускуналар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа билан танишди. Мамлакатимиз етакчисининг тегишли қарори ижроси доирасида “Andijon Jinlun yangi energiya” корхонаси ташкил этилмоқда.

Халқро майдондаги глобал ўзгаришлар, юксак техник тараққиёт бор имкониятдан самарали фойдаланиш талабини қўймоқда. Масалан, тоғлар бағрида юзлаб, эҳтимол, минглаб жилгалар бор. Андижон вилоятида ҳам бу борада катта имконият етарли. Хусусан, Катта Фарғона каналининг барқарор сув оқимида микро ва кичик ГЭСлар қуриш мумкин. Бу “яшил” энергия қувватларини оширишга хизмат қилади. Муҳими, улардан энергия олиш учун базан сув йўлини тўсиш ҳам шарт бўлмайди. Шунчаки, ўша жойга мос келадиган технология ўрнатилса бас. Марказий Осиёда эса ана шундай ихчам ва самарадор технологияга эҳтиёж катта. Лекин шу вақтгача минтақада уларни сановат миқёсида ишлаб чиқарилмаган. Янги лойиҳа ана шу эҳтиёжни қоплашга хизмат қилади.

Умумий қиймати 20 миллион долларлик корхона 2027 йилда тўлиқ қувват билан ишга туширилади. Ўшанда йилига 100 та кичик ГЭС мажмуаси, микрогидроэнергетика ускуналари, дасттоҳ ва электр жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Бу йилига 70 миллиард сўмлик маҳсулот дегани. Лойиҳа доирасида 200 та янги иш ўрни яратилади. Корхона маҳсулотларини Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилиш режа қилинган.

Яна бир муҳим жиҳат, мақсад фақат маҳсулот чиқариш ва сотишдан иборат эмас. Балки аҳоли ва сановат корхоналарини барқарор, арзон, экологик тоза электр энергияси

билан таъминлаш назарда тутилмоқда. Бунинг учун Андижон вилоятида бир нечта микро ГЭСлар қурилади.

Президентимиз ташрифи доирасида янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва уларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди. Маросимда умумий қиймати 9 миллиард 400 миллион доллар бўлган 206 та лойиҳа қамраб олинди. Шундан 2 миллиард 50 миллион долларлик 98 та лойиҳа ишга туширилди. Мана шу фактнинг ўзиёқ вилоятга кириб келадиган сармоянинг нечоғлиқ катта марра олганини англатади. Яна 7 миллиард 350 миллион долларлик 108 та лойиҳанинг қурилиши бошланиши эса ислохотлар изчил давом этётганидан дарак.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманида амалга ошириладиган лойиҳаларда энергетика, қурилиш, тўқимачилик, машинасозлик, таълим, туризм, логистика, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш каби соҳалар қамраб олинган. Масалан, пахта-тўқимачилик кластери, электр энергиясини сақлаш ва тақсимлаш тизими, электр автобуслар, қуёш панеллари ва микрогидроэнергетика ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Лойиҳалар Хитой, Туркия, Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Беларусь, Германия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амириклари ва Тожикистон компаниялари ҳамда маҳаллий инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Улар амалга ошгач, 533 миллион долларлик экспорт имконияти шаклланади. Муҳими, 45 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Маросимда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан масъуллар, хорижлик ҳамкорлар ва ташаббускорлар видеоалоқа орқали иштирок этди. Улар лойиҳаларнинг аҳамияти, амалга ошириш жараёни ва ишга тушириш муддатлари ҳақида ахборот берди.

➤ Давоми 2-бетда

ИНСОНЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ОДАМЙИЛИКНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИДИР

Президент виртуал қабулхонаси фаолиятига 10 йил тўлди

Халқ билан мулоқот қилиш, муурожаатлар билан ишлаш ўзбек давлатчилиги тарихида шунчаки маъмурий жараён эмас, балки давлат бошқарувининг адолат ва ишончга асосланганини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Аҳолини тинглаш, муаммоларини ҳал қилиш давлатнинг ҳам, хар бир бўғиндаги раҳбарнинг ҳам эл-юрт олдидаги доимий вазифаси ва бурчидир.

Буюк ўзбек йўли

Шу маънода, Президентимиз томонидан асос солинган Халқ қабулхоналари тизими Ўзбек давлатчилиги мактабига хос “Қуч — адолатда” концепциясининг мантқий давоми сифатида ишлаётган халқчил ва ҳаётий институт. Бу эса давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва бутун

халқимиз ҳаётида чуқур ўрин олган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” таъминининг ижтимоий адолатни таъминлаш борасидаги ўзбек давлатчилиги мактабининг янги тараққиёт босқичи бўлди, дейишга етарлича асос бор.

“Президент портали”нинг ибтидоси

“Сизда ҳал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки таклифлар борми? У ҳолда муурожаатингизни тўғридан тўғри Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юборишингиз мумкин”.

Бу янгилик 2016 йил 24 сентябрь куни бутун мамлакатимизни қамраб олди. Оддий муаммоларини ҳал қила олмай давлат идоралари эшигида ҳафталаб-ойлаб саргайган одамлар ўшанда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини катта наҳот кўргони сифатида қабул қилди.

Буни мазкур виртуал қабулхонага дастлабки кунёёқ юртимизнинг турли жойларидан мингта яқин ариза, шикоят ва таклиф тушганидан ҳам бисса бўлади.

Ўша даврда “Виртуал қабулхона сайловдан кейин ҳам ишлайдими?” деган савол

нафақат ислохотларга шубҳа билан қараган хорижий ОАВлар мақолалари сарлавҳасига, балки оддий инсонлар ҳаёлидаги доимий фикрга айланганди.

Виртуал қабулхонанинг 2016 йилдаги илк уч ойлик фаолияти:

- мамлакатимизда муурожаатлар билан ишлаш соҳаси туб ислохотга муҳтожлигини;
- муурожаатлар билан ишлаш масаласига иккинчи даражали иш сифатида қаралганини;

- оддий инсонлар муурожаатларига ҳақто жавоб ололмагани, аксарият ҳолда расмиятчилик, бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига дучор бўлганини;

- раҳбарларда хоҳиш ва ирода бўлса, аксарият муаммоларини қисқа вақтда самарали ҳал қилиш мумкинлигини керагича исботлаб берди.

➤ Давоми 3-бетда

БУ ЕР ҲАЛИ ЗЎР БЎЛАДИ

Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов бир вақтлар Қорақалпоғистон ҳақида:

Бир озгина сабр қилинг,

Бу ер ҳали зўр бўлади!

деб қуйлаганида элнинг келажаги ҳақидаги башорати рост бўлиб чиққанини янги замон исботлади. Бундан 40 йиллар илгари шоир сувсизлик ва лоқайдлик натижасида афтоҳаҳол ҳолатга келиб қолган юрт ҳақида қуйиниб айтган ва нурли келажақдан умид қилган эди.

➤ Давоми 5-бетда



Ўзбекистоннинг 35 йиллик мустақиллик тарихи иқтисодиётнинг шаклланиши, таркибий ўзгариши ва жаҳон ҳўжалигига интеграциялашуви билан кечган мураккаб жараёни қамраб олади. Бу даврда мамлакат олдида турли босқичларда айро иқтисодий вазифалар турган. Дастлаб миллий иқтисодий тизимни яратиш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва барқарорликни сақлаш устувор бўлган бўлса, кейинчалик ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, бозор институтларини ривожлантириш ва иқтисодиётни модернизация қилишга эътибор кучайди. 2017 йилдан эса иқтисодий сиёсатда либераллаштириш, ташқи бозорларга очилиш, инвестицияларни жалб қилиш ва хусусий сектор ролини ошириш жараёни янгича суръат олди.



Жамшид ШАРИПОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази бўлим бошлиғи

Бугун ушбу жараёнларнинг натижаси мамлакат иқтисодиётининг қўламини ва таркибиде яққол намойён бўлмоқда. Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси эришилган натижаларни мустақамлаш билан бирга иқтисодиётни янада юқори унумдорлик ва рақобатбардорликка олиб чиқиш учун 2030 йилга қадар аниқ марраларни белгилаб берди.

Мустақилликнинг дастлабки босқичида Ўзбекистон учун асосий вазифа миллий иқтисодиётни шакллантириш ва барқарор ишлашнинг таъминлаш эди. Миллий валюта, банк-молия ва солиқ тизимлари, ташқи иқтисодий фаолиятнинг миллий механизмлари каби бозор иқтисодиётининг муҳим институтлари шакллантирилди.

Бу даврдаги иқтисодий сиёсатнинг муҳим хусусияти бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш билан бирга макрориқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга интилаш бўлди. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти сақлаб қолинди. Ички бозорни асосий товарлар билан таъминлаш имконияти кенгайтирилди. Хусусий тадбиркорлик ва фермерлик учун институционал асослар шакллантирилди.

2017 йилдан бошланган босқичда эса иқтисодий сиёсатнинг мазмунини ва ислохотлар суръатини сезиларли даражада ўзгарди. Президентимиз раҳбарлигида иқтисодиётни либераллаштириш ва ташқи дунёга очилгача қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Валюта бозорининг либераллаштирилиши, ташқи савдо режимининг соддалаштирилиши, солиқ ва банк тизимларининг ислох қилиниши, тадбиркорлик учун маъмурий тўсиқларнинг қисқартирилиши, хусусий сектор ва хорижий инвесторлар учун имкониятларнинг кенгайтирилиши иқтисодий муҳитни сезиларли даражада ўзгартирди.

Айниқса, 2017 йилда валюта сиёсатининг либераллаштирилиши иқтисодиётнинг ташқи бозор билан алоқаларини кучайтириш учун қўлай шарт-шароит яратди. Корхоналарнинг валюта ресурсларидан фойдаланиши енгиллашди. Экспорт-импорт операциялари учун имкониятлар кенгайди. Бу жараён кейинги йилларда инвестиция ва ташқи савдо кўрсаткичларининг жадал ўсишига таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлди.

Икки босқичнинг умумий натижасини иқтисодиётнинг узоқ муддатли динамикаси орқали баҳолаш мумкин. 2000 йилда 13,7 миллиард доллар бўлган ялпи ички маҳсулот 2025 йилда 147,1 миллиард долларга етди. Аҳоли жон бошига ЯИМ эса 557 доллардан 3881 долларга ошди. Бу кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиётининг қўламини сўнгги 25 йилда сезиларли

Иқтисодий ислохотлар: МАҚСАД ФАҚАТ ЎСИШ ЭМАС, ҲАҚИҚИЙ ҚИЙМАТ ЯРАТИШ



Таҳлил

кенгайганини кўрсатади. Доллардаги номинал қийматлар валюта курси ва нархлар динамикаси таъсирида ўзгаришини иноватта олган ҳолда ҳам иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ички бозор салоҳияти анча юқори кўтарилгани аниқ.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим таянчи инвестициявий фаолликнинг кучайиши бўлди. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2000 йилдаги 0,7 триллион сўмдан 2025 йилда 591,1 триллион сўмга етди. Хорижий инвестициялар ҳажми эса 2017 йилдаги 4,5 миллиард доллардан 2025 йилда 43,1 миллиард долларга кўтарилди.

Инвестицияларнинг ўсиши иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, инфратузилмани янгиллаш ва технологик модернизация учун молиявий база кенгайганини аниқлатади. Шу билан бирга, инвестицияларнинг кейинги босқичдаги самараси уларнинг ҳажмидан кўра, қандай тармоқларга киритилгани ва қанча қўшилган қиймат яратётгани

Экспортдаги ўзгаришлар эса иқтисодиётнинг ташқи бозорга интеграцияси нуқтани назардан муҳим. Олтинсиз экспорт ҳажми 2016 йилдаги 9,3 миллиард доллардан 2025 йилда 24 миллиард долларга етди. Экспорт таркибиде тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши 26 фоиздан 52 фоизга кўтарилди. Демак, экспорт ўсишнинг муҳим қисми унинг таркибий ўзгариши билан боғлиқ. Қайта ишланган маҳсулотлар улушининг ортиси ташқи бозорда юқори қўшилган қиймат яратиш ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг глобал қиймат занжирдаги иштирокини кенгайтириш имконини беради.

Энергетикадаги натижалар ҳам иқтисодий ўсиш учун зарур инфратузилма шаклланишини кўрсатади. Электр энергияси ишлаб чиқариш 2000 йилдаги 46,8 миллиард киловатт-соатдан 2025 йилда 86,9 миллиард киловатт-соатга етди. Ишлаб чиқариш ва аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши шароитида энергия таъминотини кенгайтириш саноат лойиҳаларини амалга ошириш ва



билан белгиланади. Бу масала 2030 йилгача бўлган иқтисодий сиёсатда алоҳида аҳамият касб этади.

Саноатдаги ўзгаришлар иқтисодиётнинг таркибий трансформациясини янада аниқ кўрсатади. Саноатда қўшилган қиймат 2010 йилдаги 8,8 миллиард доллардан 2025 йилда 36,5 миллиард долларга етди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 1,6 триллион сўмдан 52,6 триллион сўмга ошди. Бу саноат ишлаб чиқаришининг иқтисодиётдаги салмоғи ортиб, хомашёни қайта ишлаш ва ички ишлаб чиқариш занжирини кенгайтганини кўрсатади.

янги инвестицияларни қабул қилиш имкониятининг муҳим шартига айланди.

Шу тариқа мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари билан бирга ривожланиш механизми ҳам ўзгарди. Дастлаб миллий иқтисодий тизим ва унинг барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган вазифалар устувор бўлган бўлса, кейинги босқичда иқтисодиётни очилиш ва либераллаштириш жараёни тезлашди. Натижада бугунги Ўзбекистон иқтисодиёти каттароқ ички бозор, юқори инвестициявий фаоллик, кенгайиб бораётган саноат базаси ва диверсификацияланаётган экспорт салоҳиятига эга.



Янги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадлар ана шу иқтисодий базага таянган ҳолда шаклланиган. Уларнинг умумий хусусияти иқтисодиёт ҳажмини ошириш билан бирга ўсиш манбаларини диверсификация қилиш ва маҳсулдорликни оширишга қаратилганлигидир.

Энг йирик мақсад — 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш, аҳоли жон бошига ЯИМни эса 5800 доллардан юқори даражага етказиш. 2025 йилдаги 147,1 миллиард долларлик кўрсаткичдан келиб чиқиб, бу марра иқтисодиётнинг кейинги беш йилда юқори суръатда ўсишини талаб этади.

Бирок бундай ўсишни таъминлаш учун аввалги даврдаги ресурслар ва инвестицияларни кўпайтиришнинг ўзи етарли эмас. Меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш, технологик янгиланишдаги талаб ўзгаришларига тез жавоб бера олиши керак. Шу сабабли экспортнинг ўсиши мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва рақобат муҳитидаги ўзгаришларнинг муҳим индикаторига айланади.

Инвестиция сиёсатида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини йиллик ўртача 5-7 фоиз ошириш мақсад қилинган. Бунда асосий вазифа капитал оқимини сақлаб қолиш билан бирга уни юқори технологик ишлаб чиқаришлар, экспортга йўналтирилган тармоқлар ва юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларга жалб қилишдан иборат. Инвестициянинг иқтисодий самараси янги корхона ёки ишлаб чиқариш қувватининг ўзи эмас, балки унинг меҳнат унумдорлиги, экспорт ва маҳаллий

корхоналарнинг халқаро ишлаб чиқариш занжирларига киришини кенгайтириш муҳим. Шу нуқтани назардан, саноатдаги ўсишнинг асосий кўрсаткичи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми эмас, балки яратилган қўшилган қиймат ва меҳнат унумдорлиги бўлиб боради.

Экспорт бўйича 2030 йилга қадар олтинсиз экспорт ҳажмини ҳар йили ўртача 15 фоиз ошириш, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини 70 фоизга етказиш вазифаси белгиланган. 2025 йилда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши 52 фоиз бўлганини ҳисобга олсак, янги марра экспорт таркибини янада юқори қайта ишланган маҳсулотлар томон ўзгартаришни талаб қилади.

Бу вазифа саноат сиёсати билан бевосита боғлиқ. Ташқи бозорларда барқарор ўрин эгаллаш учун корхоналар маҳсулот сифатини халқаро талабларга мослаштириши, логистика харажатини камайитириши, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириши ва ташқи бозорлардаги талаб ўзгаришларига тез жавоб бера олиши керак. Шу сабабли экспортнинг ўсиши мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва рақобат муҳитидаги ўзгаришларнинг муҳим индикаторига айланади.

Инвестиция сиёсатида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини йиллик ўртача 5-7 фоиз ошириш мақсад қилинган. Бунда асосий вазифа капитал оқимини сақлаб қолиш билан бирга уни юқори технологик ишлаб чиқаришлар, экспортга йўналтирилган тармоқлар ва юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларга жалб қилишдан иборат. Инвестициянинг иқтисодий самараси янги корхона ёки ишлаб чиқариш қувватининг ўзи эмас, балки унинг меҳнат унумдорлиги, экспорт ва маҳаллий

корхоналар билан кооперацияга таъсири билан ҳам ўлчанади.

Стратегияда хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ролини оширишга ҳам катта аҳамият берилган. Нодавлат сектор улушини 85, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушини 60 фоизга етказиш мақсадлари иқтисодий фаолликнинг асосий қисми хусусий ташаббус ва рақобат ҳисобига шаклланишини кўзда тутди. Бунинг амалий натижаси тадбиркорлар учун бозорларга кириш, молиялаштириш, инфратузилма ва рақобат шароитларининг янада яхшиланиши билан белгиланади.

Энергетикада 2030 йилга қадар иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмини 120 миллиард киловатт-соатдан ошириш белгиланган. Иқтисодиёт ҳажмининг ўсиши энергияга талабни ҳам оширади. Шунинг учун янги қувватларни ишта тушириш билан бирга тармоқларни модернизация қилиш, энергия йўқотишларини камайитириш ва қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни кенгайтириш иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги учун муҳим.

2030 йилгача белгиланган вазифаларни яхлит тизим сифатида кўриш лозим. ЯИМни 240 миллиард доллардан ошириш саноат ва хизматлар ўсишини талаб қилади. Саноатнинг кенгайиши энергия ва инвестицияга эҳтиёжини оширади. Экспортнинг ўсиши эса рақобатбардор ишлаб чиқариш ва самарали логистикасиз таъминланмайди. Бу жараёнларнинг барчасида хусусий сектор ва инсон капитали халқ қилувчи омиллардан бири бўлиб қолади.

Шу жиҳатдан 2030 йилга қадар иқтисодий вазифаларни биргана юқори ўсиш мақсади билан ифодалаш тўғриси эмас. Гап иқтисодиёт ҳажмини ошириш билан бирга меҳнат унумдорлигини кўтариш, қўшилган қийматни кўпайтириш, экспорт таркибини яхшилаш ва хусусий секторнинг иқтисодий фаоллигини кенгайтириш ҳақида бормоқда.

Мустақилликнинг 35 йиллик натижалари шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиёти ўз тараққиётининг турли босқичларида турли вазифаларни ҳал қилди: дастлаб миллий иқтисодий тизим ва барқарорликнинг асослари яратилди, кейин иқтисодиётни либераллаштириш ва ташқи бозорларга очилиш жараёни тезлашди. Бу икки босқичнинг натижаси бугунги иқтисодий қўламли ва салоҳиятга намойён бўлмоқда.

Энди асосий вазифа шу салоҳиятдан янада самарали фойдаланишдир. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган 240 миллиард доллардан зиёд ЯИМ, 60 миллиард долларлик саноат қўшилган қиймати, 70 фоизли тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар экспорти ҳамда хусусий сектор улушини ошириш каби мақсадлар айнан шу вазифага хизмат қилади.

Демак, ислохотларимизнинг сўғи ўн йиллигида иқтисодий сиёсатнинг асосий механизми фақат ўсиш суръати эмас, балки ҳар бир инвестиция, ҳар бир иш ўрни ва ҳар бир ишлаб чиқариш бирлиги қанча қўшилган қиймат яратётгани билан белгиланади. 2030 йилга белгиланган марванинг мазмунини ҳам ана шунда — шаклланган иқтисодий салоҳиятни юқори унумдорлик, рақобатбардор ишлаб чиқариш ва аҳоли фаровонлигига айлантириш.

сувни насос орқали етказиб бериш учун зарур қувурлар тортилган. Улар снғини 50 минг куб метр бўлган янги сув сақлаш иншоотидан далага обихаёт етказиб беради. Айни пайтда ерни кишига тайёрлаш ва электр таъминотини йўлга қўйиш ишлари ҳам бажарилмоқда.

Шу кўнғача ҳудудда 2600 гектар ер ўзлаштирилган. Картошка етиштириш лойиҳасининг умумий қиймати 30 миллиард сўмни ташкил этади. Натижада 10 минг тонна уруғлик картошка захира қилиш кўзда тутилган. Соҳа вакилларининг маълум қилишча, ҳозир ерга қадалган картошка уруғи жорий йил ноябрда пишиб, етилади. Гектаридан камиде 35-40 тоннагача ҳосил олиш режа қилинган.

Лойиҳа доирасида музлаткич омборлар барпо этиш, чорвачилик фермасини ташкил қилиш каби йўналишлар ҳам бор. Бу борадаги ишлар босқичма-босқич бажарилади. Эътиборлиси, ташаббус тўғриси 500 та янги доимий иш ўрни очилади. Бу ҳудуд аҳолисининг даромадини оширишга хизмат қилади.

Қашқадарёда бу каби лойиҳа олдин ҳам амалга оширилган. Хусусан, 2022 йилда Шаҳрисабз туманидаги Гелон, Қўл, Сарнашма, Сайёд ҳамда Хисорак маҳаллаларида ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида 3000 гектардан ортқ длали ер ўзлаштирилган. Унга узоқ тоғли ҳудуддаги Тамшуш дарёсидан қарий 13 километр масофага сув олиб келиниб, картошка экилган. Натижада ҳудуддаги аҳолининг бандлиги таъминланиб, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошди.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Агротармоқ

Паст-баланд адирликнинг адоғи кўринмайди. Бир қарашда бу жойда битта ниҳол кўқариши ҳам мушкул эканига шубҳа қилмайсиз. Бу ерда фақат янтоққина ўз холида бемалол уйб ўсади. Шу боис, ушбу кенгликда фақат чорва боқилган. Илгари Нишон туманида чўлиннинг катта қисми ўзлаштирилган. Ўшанда ҳам бу ерларга ҳеч ким келмаган. Жорий йилда мазкур ҳудуд учун йирик лойиҳа ишлаб чиқилиб, тадбиркорлар иш бошлади. Кишлоқ ҳўжалиги техникалари жалб этилиб, экин майдонини тайёрлашга киришилди.

НИШОН ЧўЛЛАРИДА ҲОСИЛДОР

КАРТОШКА ЕТИШТИРИЛЯПТИ



— Туманимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилмоқда. Шу мақсадда сифатли уруғлик картошка етиштириш лойиҳасининг дастлабки босқичи иш бошлади, — дейди Нишон тумани ҳокимининг инвестиция, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Тўйчи Ҳотамов. — Бугун иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги, тупроқ унумдорлиги пасайиши, бозордаги янги талаблар — буларнинг барчаси аграртармоқ олдига янги вазифалар қўймоқда. Шу боис, “Uzagrostar holding” ҳамда унинг муассислигидаги ихтисослашган компаниялар томонидан шу пайтгача самарасиз бўлган чўл ҳудудининг 2600 гектари ўзлаштирилди. Шундан 1330 гектарига “Qashqadaryo Agro star” томонидан замонавий усулда чорва озукаси ва

“Bulung’ur Agro star” корхонаси томонидан эса маҳаллий тадбиркор ҳамкорлигида 400 гектарда уруғлик картошка етиштириш йўлга қўйилди. Айни паллада далада иш қизиган.

Нишон туманининг чекка ҳудуди, қўшни Туркменистон билан chegarдаги Янгйобод маҳалласидаги чўлиннинг 400 гектарига Нидерландиядан келтирилган юқори сифатли, элита авлодли картошка уруғини экишга старт берилди. Лойиҳа доирасида замонавий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Шу орқали ҳосилдорликни оширишга эришилди.

— Мазкур ҳудуддаги ҳар бир жараён хорижлик мутахассислар иштирокида, илмий асосда, замонавий технологиялар ёрдамида бажарилмоқда, — дейди Тўйчи Ҳотамов. — Жумладан, иқлим шароитидан тортиб, тупроқнинг таркиби, намлик даражасигача бўлган барча жиҳат

ҳисобга олинган. Шунингдек, агрономлар картошка етилгунга қадар доим назорат қилиб боради. Улар бошчилигида ўз вақтида агротехник тадбирлар ташкил этилади. Бундан ташқари, келгусида ёш мутахассислар учун шу ернинг ўзиде малака ошириш имконияти ҳам яратилади.

Лойиҳа билан танишар эканмиз, экин майдонининг қай усулда сугорилиши қизиқтирди. Боиси, ҳудуд катта ва нотекис. Шундай мураккаб шароитда деҳқончилик қилиш учун ҳудудни мутахассислар жиддий ўрганган. Шу асосида сугорилишда замонавий, тежамкор усулдан фойдаланилган. Хусусан, айни пайтда далада Австриянинг “Bauer” компанияси ишлаб чиқарган замонавий айланма ёмғирлатиб сугориш тизими ўрнатилган. Ҳозир улардан 6 таси ишляпти. Лойиҳа якунига қадар бундай тизимлар сони 16 тага етказилади. Шунингдек,

БҮ ЕР ҲАЛИ ЗЎР БЎЛАДИ

Ифтихор



Кенесбой КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Қорақалпоғистон халқ шоири

Бошланиши 1-бетда

Оғамиз валий экан. Кейинги ўн йил ичида Қорақалпоғистоннинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди ва янги, обод юртга айlandи.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида келгуси йилларда бу ерда амалга ошириладиган ишлар бўйича улкан, мисли кўрилмаган режалар белгиланди.

Шиддат билан олға интиляётган бутунги замонда тараққиётни электр қувватисиз тасаввур этиш қийин. Сабаби, электр қуввати ҳар қанча кўпайиб кетмасин, бу ҳаётнинг асосий қисми бўлиб қолди. Шунинг учун электр таъминоти ҳолати қандай экани билан қизиқиши турган гап.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда электр қуввати ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортди. Бу, биринчи навбатда, шамол генераторлари ва қуёш панеллари ёрдамида ҳосил қилинаётган қувватларга тааллуқли. Келгусида, яъни 2030 йилларга бориб бу ишлар кўлами янада кенгайди ва ишлаб чиқариш қувватини 3300 мегаваттга етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, умумий қувватнинг 76 фоизи “яшил” энергия ҳисобидан

Президентимизнинг жорий йил 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи ҳудуд ҳаётининг барча йўналиши қатори таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди.

СОҲАГА ЮКСАК ЭЪТИБОР
ЗИММАМИЗГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Акс садо



Бегдulla СУЛТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

Бугун мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, болаларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, педагогларнинг касбий салоҳиятини ошириш ва замонавий таълим муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислохотлардан асосий мақсад ҳар бир боланинг сифатли таълим-тарбия олиши учун тенг имконият яратишдан иборат.

Эсимда, бир пайтлар Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги бўлиб ишлаган пайтимда жуда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Мактабларни реконструкция қилиш, янги мактаб қурилиши учун маблағ топа олмай қийналганмиз.

Президентимиз билан учрашувда ўтган қийин йилларни бир-бир эсладик ва бутунги шартон билан таққослаб кўрдик.

Қорақалпоғистонда таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Сўнгги 10 йилда ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари янгидан қурилиши,

ишлаб чиқарилади. Натижада миллионлаб куб метр табиий газ ва нефть маҳсулотлари тежалиб, биз нафас олаётган ҳаво минглаб тонна захарли газлардан халос бўлади. “Яшил” энергия қуввати ишлаб чиқариш лойиҳалари учун 2,5 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда инвестиция жалб қилинади.

Президентимиз келгуси йили Нукусга замонавий тезорар поезд қатнови йўлга қўйилишини маълум қилганида, залда ўтирганлар ушбу янгиллиқни гулдурос қарсақлар билан куттиб олдилар.

Давлатимиз раҳбарининг тарихий ташрифидан бир кун олдин қадимий цивилизация ўчоғи бўлиш Хива шаҳрида мамлакатимиз миқёсида ўтказилган “Янги Ўзбекистон мушораси”га борган эдик. Анжуман иштирокчилари тезорар поезддан тушаётган хорижлик сайёҳларнинг чўл кўйидаги мўъжиза шаҳарга ҳайрат билан боқётганини кўриб, кўнглимиз “Бу — Ўзбекистон, кўриб кўйинглар, бу бизнинг Ватанимиз!” дея ғурурга тўлиб-тошган эди. Насиб қилса, Мўйноқни кўришга шошаётган сайёҳларни Нукус вокзалида кўрадиган кўнралимиз ҳам олис эмас.

Қорақалпоғистон аҳолиси тез суръатлар билан ўсмоқда. Агар хотирам панд бермаса, 1984 йилда бу юртда бир миллионичини фарзанд туғилиб, Ибройим оғамиз унга бағишлаб “Миллионбой азаматга” деган шеър ёзган эди. Бугунги кунга келиб эса аҳоли сони икки миллиондан ошиб кетди. Шунга мос равишда турар жой ва инфратузилма иншоотларига талаб ҳам ортди. Президентимиз бу масаланинг ҳам ечимини олдиндан ўйлаб қўйган экан. Нукус шаҳрига ёндош ҳудудда “Янги Нукус” шаҳарчасини қуриш ташаббуси қорақалпоғистонликлар кўнглига умид ва қувонч бахш этди десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Замондош шоиримиз “Ўзбек фақат болам дейди, болам дейди” деб топиб айтганидек, халқимиз азалдан болажон. Нукуснинг ёнғинасида барча қўлайликларга эга замонавий турар жойлар қурилиши ўсиб-ўнаётган аҳолимиз учун катта имкониятдир.

Президентимиз Қорақалпоғистон ҳудудида ҳали тўлиқ ўрганилмаган ер ости ва ер усти бойликлари мавжудлигига алоҳида урғу берди. Масалан, Устюрт

текислигида жойлашган Борсакелмас туз кони миллионлаб тонна захирага эга. Агар йилига 100 минг тонна туз қайта ишланса, қанчадан қанча даромад келтирган бўларди! Қушхона тоғидаги кондан 50 минг тонна натрий сульфат қазиб чиқариш мумкин.

Бундан ташқари, ҳали тўлиқ фойдаланилмаган бошқа имкониятлар ҳам сероблиги таъкидланди. Масалан, тўқимачилик саноатини йўлга қўйиш, чармин қайта ишлаш, автомобилсозлик учун зарур деталлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби йўналишлар бор. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, помидордан томат пастаси ёки қурилган помидор қоқиси тайёрлаш орқали экспортбоп маҳсулотлар яратиш мумкинлиги тайин. Бу каби ишларни ташкил



“ҲАМИША СЕН ХИЗМАТ ЭТГИЛ
ХАЛҚ УЧУН...”

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга бу галги ташрифи ҳам ана шу эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ташаббусларга бой бўлди. Зеро, бутун бу заминнинг ҳар бир тумани, ҳар бир маҳалласи чин маънода улкан қурилиш майдонида, инновациялар масканига ва иқтисодий юксалиш марказига айланган. Давлатимиз раҳбарининг бу ўлка учун қабул қилган тарихий қарорлари эса янгиланишларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаб бермоқда. Бундан 9-10 йил олдин ҳозиргидек катта бурилиш бўлади дейилса, кўпчилик ишонмасди.

Ташриф дастури ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, давлатимиз раҳбари бир неча туман ва шаҳарда саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, транспорт, туризм ва спорт соҳаларига оид 11 та объект фаолияти билан танишди. Янги лойиҳаларнинг ишга туширилиши ва қурилишга старт берилиб, уларнинг келгуси истиқболлари белгилан берилди.

Давлатимиз раҳбари лавозимга киришган илк кунларданок Қорақалпоғистонга алоҳида эътиборини ҳис этганмиз. Ана ўшанда “Маданият Мўйноқдан бошланади” деган эзгу ва жасоратли ғоя асосида энг чечка, мураккаб ҳудудларда ҳам катта ўзгаришларни бошлашга қатъий киришилди. 2017 йилдан буён фақат Қорақалпоғистонга тааллуқли 80 дан зиёд тарихий фармон ва қарор қабул қилингани бу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон иқтисодиётида сезиларли ўсими кузатилаётган. 2017 йилда республиканинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 13,5 триллион сўмни ташкил этган бўлса, бутун ушбу кўрсаткич 54,1 триллион сўмдан ошди. Фаол тадбиркорлик субъектлари сони 2,5 баробар

этиш учун, энг аввало, ҳокимлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари масъулиятни ўз зиммасига олиши керак.

Қорақалпоқ халқи давлатимиз раҳбарининг сафарини интиқ кутган эди. Бунга биргина ҳаётий мисолни келтириб ўтмоқчиман.

Хива шаҳридаги “Янги Ўзбекистон мушораси”дан қайтиб, Нукусдаги қовун бозорига Сирожиiddин Саййид билан бирга бордик. Шоирни кўрган захоти қовун сотаётган деҳқон аёлнинг юзи ёришиб, бундай деди:

— Сизни танидим, сиз Президентимиз билан бирга келгансиз. Биз у кишини яхши кўрамиз. Президентимиз билан бирга бу юртга кут-барака келади. Илтимос, шу сўзларимни Президентимизга етказиб қўя olasизми?

Беҳиз Бердақ бобомиз “Қадримни халқ билар” демаган экан.

Келаси йили улуг қорақалпоқ шоири Бердақ Қарабой ўғли таваллудининг 200 йиллиги кенг нишонланиши таъкидланди. Бу, албатта, миллатга ва адабиётга юксак эътибор намунасидир.

Муносабат

Қорақалпоғистондаги шаҳар ва туманларда янги саноат корхоналари ҳамда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, энергетика объектлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилаётгани маҳаллалар қиёфасини янгилаб, аҳоли учун янги меҳнат, даромад ва муносиб турмуш имкониятларини яратмоқда.

ЎЗГАРИШЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИДА
ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Бутун республиканинг қай бир гўшасига борманг, шаҳар ва қишлоқларни янгилаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар қилинаётганини кўрасиз. Ҳар ойнинг охирига ҳафтагида халқ билан мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан мулоқотлар ўтказамиз. Очиги, ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламиз. Энг муҳими, одамлар кайфияти юқори, мамлакатдаги ислохотлардан мамнун.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи ҳудуд тараққиётига янги суръат ва таъмин бағишлашга қаратилган муҳим ташаббуслар, истиқболли ғоялар ва амалий ечимларга бой бўлди. Ушбу ташриф сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда изчил давом этаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва янгиланиш жараёнларини янги босқичга олиб чиқиш йўлида навбатдаги муҳим қадамдир.

Ташриф дастурининг ниҳоятда кенг қамровли экани ҳам ҳудудни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари саноат ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт, транспорт, туризм ҳамда спорт соҳаларидаги ишлар, замонавий объектлар ва истиқболли лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Ҳар бир ҳудудда инсон қадрини улғулаш, аҳоли учун муносиб турмуш шартини яратиш, янги иш



Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

ўринларини кўпайтириш, ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қиладиган аниқ вазифа ва устувор йўналишлар белгилан берилди.

Президентимиз раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш мавжуд имкониятларни иқтисодий натижага айлантириш, инвестиция ва янги иш ўринларини кўпайтириш, аҳоли даромади ҳамда турмуш шартини яхшилашга қаратилган аниқ вазифаларни белгилан берилган хизмат қиладди.

Сунъий интеллект ва дата марказлар учун ташкил этилган махсус зонада 8 миллиард долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилиши Қорақалпоғистонни замонавий рақамли технологиялар ва сунъий интеллект марказларидан бирига айлантириш, юқори малакали ва даромадли иш ўринларини очиб, рақамли хизматлар экспортини кўпайтириш ҳамда ҳудуд иқтисодиётида янги технология ўсиш нуқталарини шакллантиришга туртки қиладди.

Уч йилда Нукус шаҳри, Қўнғирот, Қораўзақ ва Тахиташ туманларида 1500 юқори даромадли иш ўрни очиб, булутли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида йиллик экспортни 600 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилган Қорақалпоғистонда янги авлод рақамли иқтисодиётини шакллантириш, юқори малакали ва даромадли иш ўринларини очиб имконини беради.

Келаси йили Қорақалпоғистонга 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниши, ҳеч шубҳасиз, ҳудудда саноат ва инвестициявий фаоллик кўламини янада кенгайтиришга қаратилган устувор мақсадларнинг ифодасидир. Бу, ўз навбатида, янгиларни ишга тушириш, замонавий инфратузилма яратиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва минглаб янги иш ўринлари очиб учун мустаҳкам асос бўлади.

Қорақалпоғистон бугун кенг кўламли янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ва иқтисодий ўзгаришлар майдонида айланмоқда. Ҳудуддаги ҳар бир ислохот, ҳар бир янги лойиҳа, аввало, одамларнинг турмуш шартини яхшилаш, улар учун муносиб меҳнат ва даромад манбаларини яратиш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган.

Нуқтаи назар



Татлимурат АТАМУРАТОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
Қорақалпоғистон
бўлими раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

халқнинг буюқ фарзанди, шоир ва мутафаккир Бердақ Қарабой ўғлининг “Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун, ўзим дема, ғамхўрлик қил халқ учун” деган ҳикматли сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлади. Улуг зиялиларнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш, рақамлаштириш, асраб-авайлаш ҳамда ҳаққимизга, айниқса, ёшларга етказиш муҳимлиги қайд этилди. Келгуси йили Бердақ Қарабой ўғли таваллудининг 200 йиллигини мамлакатимизда муносиб нишонлаш тақдирини билдирилди. Мутасаддиларга бир ойда кенг қамровли дастур ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни бошлаш вазифаси қўйилди.

Қорақалпоғистон бугун шунчаки янгиланаётган ҳудуд эмас, у Ўзбекистоннинг янги тараққиёт моделини ўзида муважжасан этган куч-қудрат манбаидир. Ҳар бир рақам ортда инсон тақдир, ҳар бир ўзгариш ортда эртанги кунга ишонч турибди.

